

Сўз ижодкорлигига доир баъзи мулоҳазалар

ЎзДСМИ инфтитут “Тиллар ва адабиёт кафедраси” ўқитувчи
Махмудова С. И.

Тил антиномияси зиддиятлар, қарама-қаршиликлар асосига қурилган. Тил тизими эса инкорни инкор тамойилида яратилган. Тил бир вақтнинг ўзида изчил бир тизим ҳам, ғайритизим ҳам. Демак, тилнинг моҳияти умумийлик – хусусийлик, доимийлик – муваққатлик, барқарорлик – тадрижийлик, тартиблилик – тартибсизлик, қонунийлик – тасодифийлик сингари хилма-хил зиддиятлар дихатомиясидан иборат 1). Шу боис ҳам ҳозирги давр тилшунослиги синхрония ва диахронияни, тил ва нутқ ходисаларини фарқлаб ўрганиш, таҳлилда лисоний ва нолисоний, объектив ва субъектив омилларни узвий алоқадорликда баҳолаш, прагмалингвистика, социолингвистика, психолингвистика, матн лингвистикаси ва матн стилистикасига хос тадқиқот тадбилларига асосланиш заруратини туғдирмоқда.

Тил ва нутқ бирликлари тадқиқига бу тарзда ёндашув мавжуд дарслик ва қўлланмаларда юзакироқ ёритилган. Морфем қайта бўлиниш, окказионал отлашиш, контаминация, аналогия ва аномалия, олинма сўз таркибий қисмларини морфемалаштириш, сўз бирикмалари ва ибораларни соддалаштириш, сўз ясалиш валентлиги ва псевдокоррелятлар каби ходисаларни нисбатан кенгроқ ёритиш, атрофлича тавсифлаш орқали ўзбек тилининг, ўзбекча нутқнинг нафосатини ҳис этишга ва ундан ўринли, ижодий, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланишга ёрдам беради.

Айниқса давлат тили мақомига эга бўлган, ўзбек тилида, яъни ўз она тилисида миллий ғурур билан эркин ижод қилаётган ижодкорлардан ҳар бирининг луғат захирасини сўз ясаш қонуниятлари нуқтаи назаридан илмий, изчил равишда ўрганишни, окказионал сўз ясалиши ва сўз ижодкорлиги масаласини, уларнинг қўлланишидаги функционал-услубий ўзига хосликларни матн услубияти, коммуникатив лингвистика тамойиллари нуқтаи назаридан ёритишни ва шу асосда умумадабий ва услубий меъёрлардан ижодий чекиниш ҳолларининг нутқ маҳорати ва нафосати билан боғлиқ жиҳатларини ўрганишни ҳам тақозо этмоқда.

Бу жиҳатдан назмий матнларга хос яратилган лингво-стилистик таҳлил қилиш, илҳом жараёнида туғилган ғайриодатий сўз ва ифодаларни шоирона идрок эта билиш, аён матн таркибида уқиб олиш ва сўз нафосати

дунёсидан ҳам ҳиссий-руҳий баҳра олиб, ҳам бу охорли яратикларнинг, ноодатий қўлланишларнинг умуммиллий луғат ҳазинасидаги ўрнига баҳо бериш давр тилшуносларининг зиммасида.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева шеърятини шу нуқтаи назардан ўрганиш ҳар жиҳатдан аҳамиятли. Аввало, бу “меҳрли шеърят”, ҳар хил кайфиятдаги китобхонда ҳаётга муҳаббат, келажакка ишонч, руҳ поклигига, маънавий баркамолликка эришиш, ибодат масканини бунёд этишга даъват уйғотади. Шу туйғулар замирида туғилган ҳар бир сўз, ҳар бир ифода эса тил тадқиқотчисини бефарқ қолдирмайди.

Шоира ижодига хос ғайриодатий ясалмалар яратилиш усулига кўра хилма-хил. Уларни лингвостилистик табиатига кўра, қўшимчалар воситасида ясалган окказионал ясалмалар, сўз қўшиш йўли билан ҳосил қилган композитив ясалмалар, N+N, N+V таркибли окказионал сўз бирикмалар, P+S тартибидаги окказионал гаплар тарзида гуруҳлаб ўрганиш мумкин. Қуйидаги назмий-матний мисоллар фикримизга далил бўла олади.

I Содда окказионал ясалмалар. “но” – олд қўшимчаси воситасида:

1. Дупур-дупур келса от,

Қиз қўшиқ бошлар ношод (16-бет).

2. Нодўстларим қаҳ-қаҳ уришса... (68-б)

Ҳар 2 ясалмадаги асос-ўзакнинг “но-”префикси билан онгли бириктирилиши адабий грамматик меъёрларга мос бўлмаса-да, шоиранинг шеърӣ талаб, шуурий мақсаддан келиб чиққан ҳолда “эмас” инкор сўзининг, “душман” сўз – лексемасининг маънодош сифатида танлаган нутқий ясалмалари қўлланишини ижобий баҳолаш мумкин. “Бенафас”, “бесўз”, “беҳис”, “бедил” ясалмалари ҳақида ҳам шундай фикр билдирса бўлади. Қиёсланг: “тин олмай” // бенафас, сўзсиз // бесўз, ҳиссиз // беҳис, кўнгилсиз // бедил.

1. Юлдузларнинг бенафас, бесўз

Қўшиғига кулоқ солдим лол. (26-бет)

2. Бесўз, беҳис, бедил нега,

Интилмоқда яна Сиз?! (58-б)

II Композитив окказионализмлар ҳам шоира илгари сураётган ғоя, мақсад, фикрга ҳамоханглиги, ўзига хослиги, таъсирчанлиги, охорлилиги ва мавжуд қўшимча сўз андозаларига мувофиқлиги билан диққатни тортади.

1. Ҳовучингда болбулок

Шарбатларин тотганман (105-б)

2. Сўз демасди Тошҳовли (17-б)

III N+N, A+N таркибли ғайриодатий сўз бирикувларининг ўта фаол қўлланганлиги кузатилади: хаёллар ғарами (102), ҳасрат тоғи, бахт сўқмоғи, дил туманлари (23), ташвиш шамоли (35), бахт кўйлаги, қуёш ўтови (36), туннинг бармоғи (108), меҳнатнинг элаги (109), хаёл сайди (23)⁴ чўтир тун (108), хаёлчан намозшом (20) ва ш.к.

1. Суяк-суягимдан ўтар бир оғрик

Недир ул? Хаёллар ғарами ичра (102-б)

2. ... гоҳ айланиб хаёл сайдига (23-б)

IV P+S, O+P тарзида бириктирилган, тугалланган фикрга эга бўлган индивидуал окказионал жумлалар, объектли бирикмалар ҳам аёллар дунёсини, аёллар маънавиятини бўрттириб бера олиш билан китобхонлар меҳрини уйғотса, мақсадга мувофиқ, теша тегмаган қўлланишлар луғат захирамизни бойитади, нутқий малакамизни оширади:

1. Сен қалбимга қайғулар экдинг,
Шодлик бўлиб кўкарди ул ҳис... (62-б)

2. Келармикан, аммо қўлимдан
Парчаланган дилни чегалаш (65-б)

3. Юки оғирлашиб ҳансирар боғлар. (72-б)

V Бир ўзакли сўзлардан, маънодош лексемалардан фойдаланишда, янги-янги жуфт сўзларни яратишда ҳам ўзига хос ойдинона қўлланишлар кўп:

1. Тарзинг ойдингина Ой дона бўлгил!

2. ... Қиморбоз ажалга тик мени,

Бўз болам, мен бўзлаб ўлайин (119-б)

3. Тошдай қотди Тошҳовли (17)

4. Нурланади сиёҳ тун (18)

5. Кимнинг қурби-қуввати

Англашимча, мустақиллик яратиб берган эркин ижодий муҳит, миллий ифтихор, ўзликни англаш туйғуларининг ижодкорлар руҳиятига таъсири боис юзага келаётган, ўзбек тили умумлуғат мулкига мансуб юзлаб ғайриодатий сўз ва сўз бирикувларининг хусусий луғатларини яратиш, бадий нутққа хос услубий вазифалари, ғайритабий қонуниятларини ўрганиш келгусининг ишидир.

Изоҳ ва адабиётлар

1. Қаранг: Тошалиева Севара. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши, НДА, Тошкент, 1998, 7-б; Маҳмудова С. И. Сўз яратиш санъати; ўқув қўлланма, М. Уйғур номидаги ТДСИ нашри, Тошкент, 2003
2. Қаранг: Ойдин Ҳожиева. Шом шуълалари. Сайланма. “SHARQ” НМАК, Тошкент, 2010, 5-бет.
3. Келтирилган барча мисоллар Ойдин Ҳожиеванинг “Шом шуълалари” китобидан олинган.